




- * Хоразм вилоятида уйғонмаган “уйғоқлар”
- * “Чимилдик” ижодкорлари огоҳлантиради
- * Эрингиз билан муносабатингиз қандай?
- * Ишқий мактуб ёзган хонанда



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 31 март Чоршанба. № 24 (144215)

ЮРТНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси йўналиши бўйича Япония олий ўқув юртларида тахсил олаётган бир гуруҳ ўзбекистонлик ёшлар баҳорги таътилни ўтказиш учун Ўзбекистонга қайтди.

«Умид» жамғармаси танлов комиссиясининг масъул котиби Ботир Убайдуллаев айтганидек, Японияда тахсил олаётган биринчи қалдирғочлардан умид катта. Ўқишнинг биринчи босқичида улар япон тилини мукамал ўрганиб, кун чиқар мамлакатдаги «Хитоцубаши», «Хосей», «Аояма», «Кейо» каби нуфузли университетларга талабалikka қабул қилинди.

— Асримиз бошида жадид боларимиз ҳаёт йулидаги асосий масала мактаб, яъни таълим-тарбия масаласидир, деган гоя билан чиқишган эди. Японияда ўқиш жараёнида маърифатпарвар боларимизнинг бу фикрлари тез-тез ёдимга тушиб турди, — дейди «Хосей» университети талабаси Ойбек Ҳакимов. — Япон ўқувчисининг кун тартибига назар ташлаган киши уларнинг асосий вақти ўқишга кетишини пайқайди. Уларда ҳатто «япон ўқувчилари тўйиб ухлашни орзу қилади», деган гап ҳам бор экан.

Яна бир эътиборли томони шуки, оилада ҳам болалар узларини мактабдагидек ҳис этишади. Уйда уларга ота-оналари муаллимлик қилишади. Япон оиласи бюджетининг каттагина қисми айнан фарзандларнинг билим олишлари учун сарфланар экан.

Бизни қувонтирадиган нарса шуки, бутунги кунда жонажон Ўзбекистонимизда ҳам таълим-тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг шахсий ташаббуслари ва оталарча гамхўрликлари тўғрисида биз ёшларнинг йулимиз

очилди, бошимизга бахт қуши кунди.

Япониядек ривожланган мамлакатнинг нуфузли университетларида дунё болалари билан бир қаторда ўқиш имкониятига эга бўлди. Худо хоҳласа, бизга билдирилган бу юксак ишончга билимимиз, садоқат ва фидойи меҳнатимиз билан жавоб берамиз!

— Мен Японияда яшай бошлаган дастлабки кунларда японияликлар Ватанимиз — Ўзбекистонни қай даражада билишлари билан қизиқдим, — дейди «Хитоцубаши» университети талабаси Умид Акбаров. — Негаки, бизнинг вазифамиз нафақат билим олиш, балки Ватанимиз номини оламга янада кенгроқ ёйиш ҳамдир. Шу нарсани ишонч билан айта оламани, японияликларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари баланд. Японлар орасида ўзбек тилини ўрганаётганлар сони кўпайиб қолгани ҳам бундан далолат беради. Дарвоқе, биз Японияда бир йил тахсил олганимиздан сўнг япон мактабларига бориб дарс бердик. Дарсларда биз япониялик ўқувчиларга Ватанимизнинг бугунги куни, тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳақида гапириб бердик. Ҳадемай Япония университетида танлаган мутахассислигимиз бўйича ўқишни бошлаймиз. Бизни катта синовлар кутаяпти. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг мен ёшларга ишонгани, мен уларни ҳеч кимга бериб қўймайман, деган гаплари бизнинг зиммамизга яна бир улкан масъулият юклагандек бўлди. Биз ана шу ишончни оқлаш учун куч-гайратимизни аямаймиз.

Фарҳод АРЗИЕВ,
УЗА мухбири.



АМЕРИКАДА ГОЛИБ ЧИҚҚАН ҚИЗ

Флорида штати консерваториясининг иккинчи курсида тахсил олаётган ўзбек қизи Яйра Матёкубова созандалик ижроси бўйича Америка талабалари танловида биринчи ўринни эгаллади.

Яйра Тошкентдаги Успенский номли махсус мусиқа мактаб-интернатининг скрипка бўлимини тугатган. Ўқувчилик йиллари мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган турли кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган. Ижрочилик маҳорати учун иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек жамғармаси совриндори бўлган. Тўққизинчи синфда ўқиётган пайтида уни АҚШнинг Мичиган штатида жойлашган

ёш созандалар халқаро лагерига таклиф этишган. Бу ерда ўтказилган танловда биринчилиكنи эгаллаб, тўрт йил ўқиш учун грант билан тақдирланган.

Америкалик талабалар танлови шартига кўра Яйра Матёкубова дастлаб зарурий дастур — мумтоз композиторлар асарларидан намуна, сўнгра эркин мавзуда куй ижро этди. Ўзбек қизи ўзи ёқтирган хоразмча «Эй меҳрибоним» қўшигини скрипкага мослаштириб чалганида залда олқишлар янгради. Унинг ижро маҳоратини нуфузли хакамлар хайъати юқори баҳолаб, голиб деб эътироф этди.

Б. МАНСУРОВ,
УЗА мухбири.

ВОРИСЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ҳаёт шу қадар жадаллашиб кетдики, баъзан атрофингда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўлиқ англаб етишга ҳам фурсат етмайди. Аслида демократик жараёнларнинг моҳияти ҳам шунда. Бўлаётган ўзгаришлар биздан ҳар бир жабҳада фаолликни, тараққиётимизга гов бўлаётган ҳар қандай кучга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишни талаб этмоқда. 16 февраль куни Тошкентда бўлган воқеалар шундан дарак беради. Ҳамонки, орамизда мустақиллигимизга, осойишта турмушимизга раҳна солишга ҳаракат қилаётган, бу йўлда ҳар қандай қабиҳликдан йўналтиришимиз керак.

Лекин, афсуски, доим ҳам шундай бўлмапти. Баъзида ишга юзакилик, маънавиятга, ёшлар тарбиясига лоқайдлик билан ёндашиш кўзга ташланапти. Ўтган ҳафта Халқ депутатлари Хоразм вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқдан шундай хулоса ясаш мумкин. Уйлаб қоласан, киши: наҳотки, яқиндагина Самарқанд ва Навоийда Юртбошимиз айтган гаплар хоразмлик раҳбарларга сабоқ бўлмаган бўлса. Ахир бугунги давримизнинг ҳар бир куни сабоқ-ку.

Президентимиз ўз нутқида араб мутафаккирларидан бири "Оламдаги барча қишлоқлар жамланб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замаҳшарийдек машҳур алломанинг ватанидир" деганини таъкидлади. Бу гапнинг замирида қандай теран маъно борлигини уйлаб кўринг-а.

Хоразм асрлар давомида Шарқ илму фанининг, тафаккурининг бешиги бўлиб келди. Маъмун академиясида илм чўққилари забт этилаётган бир даврда ҳозирги аксарият ривожланган давлатларда жаҳолат ҳукм сурарди. Ал-Хоразмий алгебрага асос солганда, Беруний дунёни ўрганганда, Замаҳшарий исломий тафаккурни кўкларга кўтарганда кўпгина халқларда маърифат ҳақида дурустроқ тушунча ҳам йўқ эди.

Ҳа, биз буюк бобоклонларимиз билан қанча фахрлансак арзийди. Лекин шунинг ўзи етарлими? Шундай улғу аждодларимизга муносиб ворис бўла оляпмизми? Афсуски, бу саволга бир овоздан ижобий жавоб бериш мушкул.

Баъзан бирор бир жиноят ҳақида умумий тарзда гапирилса унинг бутун даҳшатини яққол англаш қийин бўлади.

Лекин аниқ шахслар тўғрисида гап кетганда қалблар ларзага келади. Бу қабиҳлик қурбонларини ўз яқинларингиз; акангиз ёки синглингиз сифатида тасаввур қиласиз, бундай кимсаларга нисбатан юрагингиз нафратга тўлади. Юртбошимиз нутқи билан танишар эканман С. Аллаёровнинг жиний ҳаракатлари ҳақида ўқиб, шундай ҳолатга тушдим. Ахир юзлаб одамлар жондай азиз фарзандларининг тарбиясини ишониб топширган киши шу қадар жаҳолатга берилса бунга қандай тоқат қилиш мумкин? Буюк аждодлар улугеланган тупроқда тугилиб, шу ернинг нон-тузини еб, кейин шу Ватанига қарши қўл кўтарган, ватанфурушлик қилган кимсаларни нима деб аташ керак? Албатта бундай нуқсонлар ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Бу, биринчи навбатда, тарихимизни билмаслик, динимизнинг асл моҳиятига тушунмаслик оқибати. Бу бўшлиқни фақат миллий мафкура тўлдирishi мумкин. Уни эса сиз билан биз -- буюк эврилишлар даврида яшаётган авлод яратди.

Жамолiddин ТҲУТАШЕВ

Иқтидорлилар — юрт бахти

БОЛАЛАРНИ ДЎСТЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Тошкентдаги ўқувчилар саройи шу йилнинг 24-26 март кунлари ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Сабаб бу ерда иқтидорли болалар VIII Республика Слётга бўлиб ўтди. Амалий санъатнинг саккиз йўналиши бўйича ўтказилган ушбу катта тадбирда наққошлик, рангтаъвир, ёғоч уймакорлиги, ганчкорлик, миллий ҳунармандчилик, бадиий тўқиш, каштачилик ва шеърят борасида болалар ўзларининг бутун маҳоратларини намойиш этишди. Қорақалпоғистон ҳамда юртимизнинг барча вилоятларидан келган юзга яқин ўқувчилар бир қанча шуъбаларга бўлиниб иш олиб бордилар.

Хуш ушбу слётнинг бошқа анжуман, курик-танловлардан фарқи томонлари нималардан иборат? Слётнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда голиблик, биринчилик деган таққослаш мутлақо бўлмади. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг етакчи ходимлари, таниқли рассомлар, шоирлар болаларнинг ижод намуналарини ҳолисона баҳолаб, ҳар бир ижодий иш устида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди, маслаҳатлар беришди. Слётнинг эртаси куни Республика ўқувчилар саройи қошидаги "Ёш таъмирловчилар" мактабининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг слёт қатнашчиларининг Бадиий Академия аъзолари би-

лан ижодий учрашуви ўтказилди. Биз тадбир иштирокчиларининг айримлари билан сўхбатлашдик.

Азиза Иброҳимова, Нукус шаҳридаги 51-мактабнинг 10-синф ўқувчиси:

— Бу йилги слёт жуда қизиқарли ўтди. Бунда мен ўзимнинг шеърларим билан иштирок этдим. Бошқа тенгқурларимнинг шеърлари билан ҳам танишдим. Энг асосийси эса кўпгина дўстлар орттирдим.

Феруза Муродова, Бухоро шаҳри, 6-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

— Менга кўпроқ таниқли шоирлар Сафар Барноев, Иброҳим Пайдо билан бўлиб ўтган учрашув ёқди. Бу учрашувдан ўзим учун зарур нарсаларни билиб олдим.

Зоир Ҳамидов, Қарши шаҳридан:
— Мен ёғоч уймакорлигига қизиқман. Агар киши бошқаларнинг иши билан ҳам танишса, ўзинг ясаган буюмлардаги камчилик, нуқсонлар, ютуқларни билиб олиши мумкин.

Шохруҳ Урозаев, Шаҳрисабз:
— Биз слётда фикр алмашиш, тенгдошларимиз ижодидан баҳраманд бўлиш, рассомлар ўғитидан тинглаш билан бирга Тошкентнинг диққатга сазавор жойларини томоша қилдик.

Назokat УСМОНОВА

Бухоро давлат университетида Рейтинг тизимида ва уни такомиллаштириш мавзусида республика услубий ва илмий-амалий конференция бошланди. Унда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари, мамлакатимиздаги барча олий ўқув юрлари ректорлари иштирок этмоқда. Улар икки кун давомида жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси асосида рейтинг тизими янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама этадилар.

Сўхбатдошимиз анжуман ишчи гуруҳининг ҳамраиси, Бухоро давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор К.М.МУҚИМОВ.

ТАЛАБА ВА БАҲО

-- Анжуманни ўтказишдан мақсад нима?

-- Бундан беш йил муқаддам Бухоро давлат университетида "Ўқув жараёнига рейтинг тизimini ва тест методларини қўллаш" мавзусида услубий ва илмий-амалий конференция ўтказилган эди. Анжуман тавсиясига кўра республикамиз ўқув юрларида қатор услубий ва ташкилий ишлар амалга оширилди. Лекин ўтган давр мобайнида таълим тизimini тубдан ислоҳ қилиш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, талабалар билимининг назорати бўйича илғор тажрибалар, фикр-мулоҳазалар, илмий ғоялар, услубий тавсиялар пайдо бўлди. Бунда эса талабалар билимини баҳолашнинг ягона метёрлари ва мезонларини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Шунинг ҳисобга олиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бу анжуманни ўтказишни режалаштирди.

-- Кейинги пайтда "рейтинг", "рейтинг тизими", "рейтинг назорати", "рейтинг бали" каби атамалар кўпроқ қулоққа чалинмоқда.

-- "Рейтинг" сўзи инглизчада маълум ўлчовга қараб тасниф қилиш, деганидир. Бугунги кунда бизнинг таълим тизимимизда бу сўз ўқувчи-талабанинг билимини узлуксиз равишда баҳолаб боришни аниқлашмоқда. "Рейтинг тизими" - билимни баҳолаш учун зарур бўлган илмий, услубий, метёрий қарашлар, тавсиялар, ташкилий ишлар ва мезонлар мажмуасини билдиради.

Рейтинг тизими талабалар билимини баҳолашда битта синов ёки имтиҳон билан чекланиш, "5" баллик баҳолаш тизими доирасидан чиқмасликка ҳаракат қилишдек салбий одатга қарама-қарши ўлароқ билимга баҳо беришда ҳолислик ва адолат тантанасини таъминлайди.

-- Умуман бугун тест синовлари амалиётда ўзини оқламаптими?

-- Талаба олган баҳо (балл) қанчалик юқори бўлса, бериладиган стипендия миқдори шу қадар кўп бўлади. Манфаатлар кураши бор бўлган жойда адолатсизликка, кўзбўямачиликка, ёлгончиликка, юзакичиликка йўл қўйилиши табиий.

Чунончи, талаба билимини баҳолаш мезонлари давлат томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, лекин тест топшириқ (савол)ларини тузиш, синаш фан ўқитувчилари, кафедра-лар томонидан амалга оширилмоқда. Юқори сифатли тест топшириқларини тузиш, уларни синовдан ўтказиш ва давлат андозалари даражасига олиб чиқиш учун, очикчасига тан олиш керак, кўпчилик ўқитувчиларда на билим, на тайёргарлик, на имконият бор. Баъзан тарих, география, фалсафа, мантик, педагогика, психология каби фанлардан тузилган тест топшириқларида берилган исму шарифлар, саналар, воқеалар содир бўлган шаҳарлар номини билиш талабанинг дунёқарашини, қобилиятини, мустақил фикрлаш доирасини, ҳолисона аниқлаш имконини бермайди.

Ўқувчи-талаба тест топшириқларини қўлланиш технологияси ва моҳиятини "яхши билган ҳолда" тестларга киритилмайдиган "керак-сиз", "ортиқча" материални ўрганишга, ўзлаштиришга эмас, балки юқори балл олишга интилади.

-- Ўқувчи-талабаларнинг билимини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг афзалликлари нимада?

-- Рейтинг тизимининг асосий ғояси -- ўқиш жараёнида талабанинг ўз билимини мунтазам ошириш ва ижодий фаолиятини такомиллаштиришни рағбатлантиришдир.

Унда фаннинг ўзига хос хусусиятларига кўра сўров ўтказиш, мунозара, савол-жавоб, коллоквиум, ёзма иш, мустақил иш, ижодий иш, реферат ёзиш, курс иши (лойиҳаси)ни ҳимоя қилиш зарур бўлади.

Бу рейтинг тизимининг биринчи афзаллигидир.

Иккинчидан, рейтинг тизими талабалар билим кўрсаткичларини адолатли, ҳаққоний ва аниқ баҳолашни таъминлайди. Турли субъектив омилларнинг таъсир кучини пасайтиради.

Учинчидан, ўқувчи-талаба билимини ўқув йили давомида чорак, семестр, босқичма-босқич баҳолаш имкониятини беради.

Тўртинчидан, талабаларнинг ижодий фаолиятини жонлантиради, дарсликлар, ўқув қўлланмалари устида мустақил ишлаш, мунозара қилиш, ўз фикрини оғзаки ва ёзма баён этиш, малака ва кўникмасини шакллантириш заруриятини туғдиради.

Яна ўқувчи ва ўқитувчининг ўз фаолиятини олдиндан режалаштириш, ўқув жараёнининг боришини ва ўзлаштириш кўрсаткичларини тезкор таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди.

-- Анжуманнинг айнан Бухоро давлат университетида ўтказилишининг сабаби нимада?

-- Бухоро давлат университети республикада биринчилар қаторида ўқув жараёнига рейтинг тизimini тест усулларини жорий этишни бошлаган эди.

Ҳозир тест топшириқларини тузиш ва рейтинг тизимида талабалар билимини баҳолаш бўйича илмий-услубий жиҳатдан асосланган тавсиялар ва компьютер дастурларини яратганмиз.

Бундан ташқари, талабалар билимини рейтинг бўйича баҳолашнинг "таянч" сўз ва ибораларга асосланган ёзма усулини ва рейтинг тизимида янги тест технологиясини қўллаш (II-III курслар тажрибасида) синов-тажриба майдончаларимиз мавжуд.

Баҳолашнинг "таянч" усули талабадан ижодкорликни, ўз билимини мунтазам равишда ошириб боришни, мустақил изланишни, қўшимча адабиётдан фойдаланишни, ўқитувчидан эса ўзи дарс бераётган фан асосларини замон талаблари даражасида билишни, машғулотларга пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади.

Бу тизимни қўллашда қўйилдиган асосий талаблардан бири ўтилган ҳар бир дарсдан сўнг талабаларга шу дарс мавзусига оид барча "таянч" тушунчалар мундарижаси (рўйхати), тушунчаларнинг мазмунини ёритиш савиясига қараб белги-ланган балл мезонлари, ўрганиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати берилиши шарт. Бу ўз навбатида, талабага рейтинг ўтказилганга қадар мазкур "таянч" тушунчаларга доир адабиётларни ўрганиш, ўз билимини ошириш ва чуқурлаштириш имконини беради.

УШШИЛОДИ

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 1999 йил 31 март № 21

Ушшини бос. Маълумотка. - асаи и. - Шу ишни билмай қилиб қийибман. Ушқаланиг хам маси эканли Ушшини

УШШИЛОДИ ОРИ



Аҳли китобхон орасида Қодирнинг "Ўткан кунлар" ини ўқиб завқ олмаган ўқувчи йўқ. Бу романни ўқиган қизлар хаёлларида бир маротаба бўлса-да, Кумушбига айланиб қолишни истамагани ёлгон. Белига белбоғ боғлаган ҳар ўғлонки, ўзбекман деган ҳар йигитки, Отабекнинг гўзал ахлоқига, пок ва чин муҳаббатига ҳавас қилмаганлари ҳам ёлгон. Бироқ орзу-хаёл бошқа-ю, ҳаёт бошқа.

Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Санжар ҳам Отабекнинг муҳаббатига ҳавас қилган, унингдек бўлишга ҳаракат қилган бўлса бордир, аммо у бунинг уддасидан чиқа олмади...

Хуллас, асардаги Отабек - бекнинг ўғли. Бизнинг замонамиздаги Санжарбек бекликдан қолишмайдиган бир амалдорнинг ўғли бўлиб ўсди, улгайди. Ҳеч нарсдан ками йўқ. Ҳуснда ҳам ўша китобий Отабекдан қолишмайди. Балки ишқ, муҳаббат бобида ҳам унинг омади чопди. Исми Кумуш бўлмаса-да, ҳуснулатофати, ибо-ҳаёси, ақлу одоби Кумушдан кам бўлмаган бир қизнинг қалбидан жой олди.

Ҳарбий хизматга кетган чоғларида Малоҳат уни кунларни тунларга, тунларни кунларга улаб, соғинч билан кутди. Тезтез хат ёзиб, хат олиб турди. Мактубларда икки ошиқ юракнинг ишқ чаманидаги хуш ифорлари бор эди. У кунларнинг дарёдан жўшқин эҳтирослари!.. У кунлар ҳам вақт дарёсида оқар сувдай оқиб кетди. Санжар ҳар-

бий хизматдан қайтиб келганига мана беш йил бўлаяпти. У аввал институтда ўқийман деди, Малоҳат кутди. Кутганда ҳам меҳр, садоқат билан. Ўзга йигитларга қайрилиб қараш у ёқда турсин, ўзгаларни ҳатто хаёлининг кўчасига ҳам йўлатмай, улуг бир вафо билан кутди. Аммо ўзининг вафоси янглиг бир улуг вафо кутгани - Санжардан "улуг бир вафосизлик кўрди". Эмишки, Санжарнинг ота-онаси бошқа бир қизни келин қилмоқликка аҳд қилишибди. Тўғри, ота-она мурооди, орзусига, сўзига монелик қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз, ҳуқуқимиз йўқ. Аммо Санжар нега бу ҳақда Малоҳатни аввалдан огоҳлантирмади, у билан орани очиқ қилиб қўя қолмади ёхуд Малоҳатга уйланиш аҳди қатъий эканлигини нега ота-онасига тушунтира олмади? Ахир ота-онаси ҳам тушундирган инсонлар эди-ку.

Энди Малоҳатнинг тақдирини маъна бўлади? Ўзга йигитга турмушга чиқиб кетаверади дейсизми? Тўғри, унинг ҳам ўз тенг туши бор, аммо бўйига яраша бўй топилгани билан кўнглидай кўнгли топилмас-чи?.. Йўқ, Малоҳат бундай йўл тутолмайди. Негаки у Санжарни шунчаки севган эмас, у билан шунчаки кўнглихушлик учун ҳам гаплашгани йўқ. У энди Санжардан бошқа йигитни сева олмайди. Унинг табиатида беқарорлик йўқ. Қалбида асраб-авайлаб юрган соф муҳаббатини ҳеч

кимга, ҳеч нарсага алиша олмайди. Аммо ҳозир гап Малоҳат хусусида эмас. Хўш, Санжарнинг бир қизчалик, бир ожизчалик қатъияти, аҳду-вафоси йўқми?

Бизнинг Санжарга айтадиган гапларимиз шундай: Санжар, айтинг-чи, агар Малоҳатнинг бошига тушган кун сизнинг жон синглигининг бошига тушса, бир йигит уни ишонтириб, йиллаб куттирса-ю, сўнг дафъатан "мен сизга уйланомайман, ота-онам бунга рози бўлишмади" деб айтса, нима қилган бўлардингиз? Шаҳд билан номарднинг олдига бориб, "йигитмисан ўзи, нега сўзингнинг устидан чиқмадингиз? Йигит сўзи бир бўлади. Унинг ори бўлади" дея унинг бошига рўмол ўраб қўймасдингиз?

Агар сизда шундай журъат, шундай орият зоҳир бўлса, ўз-ўзингизни шу усулда жазолашга куч топинг.

Ш.ХУДОЙНАЗАРОВА

Ота-онам мени яхши ниятлар билан узатишди. Мана тўрт ойди келинлик вазифамни бажариб келаяпман. Миннат қилмоқчи эмасман, нимагадир кўпчилик хонадонларда келинларга худди хизматкордек муносабатда бўлишади. Биз фақат соғ бўлиб, уй ишларини чаққон бажарсак, кулиб турсак, бузилмайдиган роботлар сингари бўлсак ёқарканмиз.

Айримлар "ўзи тушганига тўрт ой бўлибди-ю турмушнинг, қайнонанинг яхши-ёмонлигини қаердан билади", деб уйлалари мумкин. Ҳа, ҳали тажрибасизман, ёшман, лекин шунга қарамай шу тўрт ой ичида бир умрлик сабоқ

БУЗИЛМАЙДИГАН РОБОТ КЕЛИНЛАР

олдим десам янглишмайман.

Кўпчилик ўзбек хонадонларига тушган келинлар фақат уч кун иззат-икромда бўлишади. Чарларининг эртаси кундан бошланади, ҳовлини кун ёришмасдан супур, икки маҳал овқат қил, ҳаммага иззат-икром кўрсат, ҳатто мушугига сизлаб гапир... Чарчаб турганингизда бир келиб қолса, сал бундоқроқ мулозамат қилсангиз, донгингиз етти маҳаллага тарқалиб кетди, деяверинг. Унисиям майли, шунга яраша сизни ҳам муносиб ўринда кўришса алам қилмайди. Эрталабдан-кечгача тинмайси. Ҳаммадан кеч ётасиз. Сахарлаб туришнинг ташвиши билан уйқунинг ҳам тайини бўлмайди. Шундай бўлгандан кейин, эртаси кун қандай қилиб келин бўлмиш тетик юрсин. Албатта, бундай югуриб-елишлардан сўнг, келинчакнинг организми чарчайди, турган гапки бир ой деганда у ер бу ери оғриб қолади. Энг ачинарлиси, соғлигингизда ҳаммага ёққан одам, касал бўлганингизда «онангизни кимга бориб даволашни кела қолинг», деган гаплар эшитасиз. Роҳатини улар куришади-ю, онангизни дўхтирма-дўхтир чоптиради.

Баъзан уйлаб қоламан. Қайнонамнинг ҳам бўйи етган қизлари бор. Ҳаётни қайтар дунё дейишади. Бугунги менинг қийноқларим эртага уларга ҳам шапати бўлиб тегмасмикин?!

СОЛИҲА,
Тошкент шаҳри

ЭРИНГИЗ БИЛАН МУНОСАБАТИНГИЗ ЯХШИМИ?

Шундай оилалар ҳам борки, эр ҳам, хотин ҳам ўртадаги муносабатлари алақачон дарз кетганлиги ҳақида ўз-ўзларига ҳисоб бергилари келмайди. Турмуш эса кўнглидагидек эмас, ҳақат томонлардан билиниб моддий устулликка суяниб қолган. Қуйидаги тест сизнинг турмуш ришталарингизни қай даражада мустаҳкам ва юз бераётган вазиятни тузатиш кўпроқ кимга боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради.



1. Эрингиз сизга ўта эътиборли эканлигига ишончингиз комилми?
Ҳа-2 Баъзан-5 Йўқ-10
 2. Эрингиз ўзининг муаммолари ҳақида доимо гапириб туришини истайсизми?
Ҳа-4 Баъзан-2 Йўқ-2
 3. Сизнинг ёмон кайфиятингиз оиладагилар кайфиятига таъсир этадими?
Ҳа-7 Баъзан-1 Йўқ-2
 4. Лаззатли таом сизнинг хира табиятингизни равшан қила оладими?
Ҳа-10 Баъзан-3 Йўқ-4
 5. Жуфти ҳалолингиз сизнинг ёмон кайфиятингизни яхшилашга уринадими?
Ҳа-6 Баъзан-0 Йўқ-1
 6. Дам олиш кунларингизни уйдан бошқа жойда ўтказасизми?
Ҳа-9 Баъзан-3 Йўқ-2
 7. Эрингизга ёқимли бўлган нарса сизга ҳам ёқадими?
Ҳа-2 Баъзан-5 Йўқ-8
 8. Турмуш ўртоғингизнинг сиздан бемаслаҳат бирор нини муваффақиятли бажариши сизни қувонтирадими?
Ҳа-3 Баъзан-2 Йўқ-10
 10. Эрингиз ҳузурда сиз ўзингизни чинакам она эканлигингизни мумкин қадар намойиш эттингиз келадими?
Ҳа-8 Баъзан-2 Йўқ-2
- (Давоми 6-бетда)

МУҲАББАТ ПУЛГА ЧАҚИЛМАЙДИ

Ассалому алайкум ҳурматли "Туркистон" газетаси ходимлари. 1978 йил 27 июлда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманининг чекка бир кўрғонда дунёга келганман. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида истиқомат қиламан.

Дадам 27 кунлик чақалоқлигимда бизни ташлаб кетган ва 10 ёшлигимда вафот этган. 1998 йил октябрь ойларида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида турадиган акамни кимга бордим. Ўшанда Н. исмли қиз билан севишиб қолдим. Севгимиз кундан-кунга авж олиб борди. Биз бир-биримизга қаттиқ боғландик. У ерда мен кичик бир корхонада ҳайдовчи бўлиб ишлардим. Кейинчалик мени Қашқадарёга ишга чақирди. Кетмоқчи бўлдим, лекин ўша Н. исмли қиз мени десангиз кетмайси, деди. Мен Қашқадарёга танишларимга кўнгирак қилиб кутиб туришларини сўрадим. Орадан бир неча кунлар ўтди. Н. оилавий шароитим билан қизиқиб қолди. Мен унга ҳаммасини борлигича айтдим. У аста-секин мендан ўзини тортдиб юрадиган бўлди. Орадан уч ой ўтди, у қизга ҳеч ким қарамади, чунки бизнинг юртимизни кўпчилик биларди. Қиз ўз айбига иқдор бўлиб қай-



тиб келди. Мени Қашқадарёга яна чақирди. Иложим қолмагач, қизнинг онасига: қизингизни севаман, мен кетяпман, яқинда келиб унга уйланоман, - дедим. Н. эса, сиз кетсангиз мени бошқага бериб юборишади, деб йиғлади.

Мен ноилоҳиж ўз хоҳишим билан ишдан бўштириш сўрадим. Шу қизни деб. Н.нинг оиласидагилар уйимизни бориб кўришди. Тан оламан, ночоргина ҳаёт кечирамиз. 15 ёшли ногирон укам бор. Бизнинг шароит уларга ёқмади. Қизларини мен билан учраштирмай қўйишди.

Кунлар ўта бошлади, юрагимга ҳеч нарса сизмасди. Кечаю-кундуз йиғлардим. Қишлоқда тўйлар бўла бошлади. Тўйларда уни учратаманми деб борсам, у билан гаплашишим ҳеч иложи бўлмасди. Мен хафа бўлиб юраддим, у эса хурсанд эди. Синфдошлари билан тўйларда дарада уйнардим. Мен у билан уйнаган болалар билан мушталашардим. Лекин у бунга парво қилмасди. Охири уйимга Шўрчига кетиб қолдим. Уйимда ҳам йиғлайвериб, бетобландим. Онам менга ва ногирон укамга ачинарди. Ўғай дадам ҳам менга жуда меҳрибон. Охири уларга ҳаммасини айтишга мажбур бўлдим. Дадам ўғлим, ҳали ҳаётинг олдинда, қизлар кўп, деди. Мени эса бошқа қизлар қизиқтирмасди. Қаттиқ бетоб бўлдим, касалхонага ётқизишди. Кейин уйдагилар мени уйлантиришга кўндиришди. Аммо менга ҳеч ким қизини бермади. Лекин онам билан ногирон укамга ачинаман.

Ҳурматли газета ходимлари, севаги мол-дунё билан улчанадими? Мен бир оддий қишлоқ боласиман, илтимосим ерда қолмасин, албатта хатимни газетага босиб чиқаринлар.

Б. ЖАЛИЛОВ,
Қашқадарё

одамлардек, қўлинигизда оз-ноз совға-саломлар билан... Рангимда қон ичқ, бепажон қадам босаётганимни кўриб, аян

МЕН
ВА У

-- Сиз ижодкорликнинг қайси томони қадрайсиз?

-- Ижодкор одам ҳақиқий меҳнаткаш бўлиши зарур. Кейин у учун фидойилик керак. Баъзида ҳамма бор-йўғидан кечиб, ҳеч нарса

ашулам бор: "Мен кимга сунгум Оллоҳдан ўзга". Шунинг маъносини англасангиз дардингиз енгиллашади.

-- Энг қадрайдиган куйингиз?

-- "Насруллои".

Чолғучилар билан ўтириб қолсақ биринчи илтимосим шу куй бўлади.

-- Дард одамни кўшиқчи қилади, дейишади, шу гап ростми?

-- Рост. Ўзингизнинг дардингиз бўлмаса бировга дардкаш бўлолмайсиз. Ота-онам

ХОТИНИГА ХАТ ЎЗГАН ХОНАНДА

Маҳмуджон АЗИМОВ билан суҳбат

чиқаролмаслиги ҳам мумкин, баъзида акси бўлади. Лекин санъаткор бўлганим учун мен ўзимни энг бахтли одам деб ҳисоблайман. Телевизорда чиқсам онам қувонади, отам гурурланади.

-- Тушқунликка тушганингизда қайси кўшиқ кўнглингизга малҳам бўла олади?

-- Фалсафий ашулалар. Балки ўзим ҳам шундай кўшиқлар айтганим учун бўлса керак.

-- Шеър танлайсизми ёки шоир?

-- Яхши шоир яхши шеър ёзишига ишонаман. Абдулла Орипов сўзи билан айтиладиган бир

оддий деҳқон бўлишган. Отам 5 нафар болаларини ўқимишли қилиш учун 40-42 даража жазирамада ҳам далада ишлардилар. Шунда Фахриддин Умаровдай кўшиқчи бўлсам дердим. Хаёлимда шу касбни эгалласам ота-онамнинг бутун қийинчиликлари ортда қолади деб ўйлардим. Худога шукур, нијатимга етдим.

-- Нима сизни кўпроқ тор ушлашга ундайди, муҳаббатми, ҳиёнатми...

-- Хиёнатни ҳеч қачон кечира олмайман.

-- Биринчи муҳаббат ҳақида айтган ашулаларингизни кимга бағишлагандингиз?

-- Биринчи

муҳаббатга кўшиқча кириб келгандан кейин дуч келган бўлсам керак. Илк кўшиқни онам ва отам учун айтгандим.

-- Севган одамнингизга айтмаган гапларингизни кўшиқ орқали етказа олишингиз мумкинми?

-- Мумкин. Чунки сўзда сеҳр бор. Мана эшитинг.

Дўст билан душманингни қўлдан

давлатинг кетганда кўр,

Бир одамдан мусибат бошингга тушганда кўр.

Дўст ҳамини биргадир,

яхши-ёмон ҳар лаҳзада.

Лек ғанимнинг боши осмон

қадар етганда кўр.

Бу сўзларни тик туриб айтолмайсиз, лекин куй билан яшириб айтиш мумкин.

-- Машҳурларнинг ошиқлари кўплиги ҳақидаги гапга қандай қарайсиз?

-- Машҳур бўлдингми, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликка ҳаракат қилиш даркор. Машҳур бўлиш осон, аммо унинг юкини кўтариш қийин. Қайсидир аёл кўшигимни яхши кўрар, бордингиз ўзимни. Бу табиий ҳол. Лекин унга нисбатан ҳурмат билан қарайман. Чунки у менинг қайсидир

хислатларимни қадрлабди. Раҳмат. Баъзи санъаткорлар бир лаҳзалик роҳат деб 20-30 йиллик меҳнатини бир кунда йўқотиб қўяди...

-- Севги мактубини илк бор неча ёшингизда ёзгансиз?

-- Мактабда ўқиб юрган пайтларим Нафисахон исмли қизга хат ёзгандим. Қўлига етиб борганми йўқми билмадим-у... ҳозир худога шукур бирга яшаймиз.

ЛАЙЛО,
"Туркистон" муҳбири



Буюклар муҳаббати

Камбағал оилада дунёга келган Людвик ван Бетховен замондошларининг хотирлашларича ўрта бўйли, бақувват гавдали, кенг юзлари қип-қизил, қулоғи оғирроқ эди. У гаранглигидан айниқса кўп азият чеккан.


Шунга қарамай, у ута нозиктаъб, назокатли инсон эди. Севгини муқаддас сарнади.

Бастакорнинг яқин дўстларидан бири Шиндлер Бетховен бутун умр бокира ҳислар оғушида яшаб утди, севги лаззатлари унга армон бўлиб қолди, деб ёзган.

Ҳа, у севгига ташна, унга сизиниб яшайдиганлар тоифасидан эди. Гузаллик олдида тиз чўкадиган бастакор қалбида бир неча севги гунча тугди, аммо ҳар гал очилмай сўлди. Албатта унинг ҳаётида из қолдирган, телбаларча севган санамлари ҳар гал ундан юз ўгирганидан сўнг Людвиг

дил қийноқларида эзилар, ҳижрон юракларини тилка-тилка қилиб азобларди.

Уттиз бир ёшида анча танилиб қолган бастакор Жульетта Гвиччарди исмли қизга кўнги берди. Муҳаббати фарзанди сифатида унинг машҳур "Ойдинликда" сонатаси, кўплаб



бошқа асарлари дунёга келди. "Менга яшаш бунчалар завқ-шавқ бағишламаган эди, - деган эди у дўсти Вегелерга. - Одамларга қўшилиб қолдим. Ҳаётимдаги бу узгаришлар... фақат гузал суюқлигим шарофатидандир. Мен уни жонимдан ортиқ кўраман, у ҳам мени севади. Сўнги йилларда ҳеч қачон ўзимни шунчалик бахтли сезмаган эдим!.."

Бироқ, Бетховен севгилисига етиша олмади. Жульетта серхарҳаша, тантиқ, манмансираган эди. Қиз бастакорнинг камбағал оиладан эканлиги, қулоғи оғирлигини юзига солди. Орадан кўп ўтмай, таннозхоним граф Галленбергга эрга тегди. Бу воқеа Бетховен қалбини ларзага солди. У ўз ҳаётини жар ёқасида кўрди. Ҳаётдан умидини узиб, укаларига васиятнома ҳам қолдирди. Аммо, бақувват вужуди, метин иродаси севги боби-

даги омадсизликни енгди. У ўзини ижодга урди...

Орадан вақтлар ўтиб, 1806 йилда эски таниши Тереза фон Брунсвик билан учрашди. Тереза бастакорни болалик чоғларидан, ундан фортепьянодан машғулот олган давридан севарди. Бетховен қизнинг акаси граф Францинг дўсти эди.



Людвик Терезага кўнги кўйди. Бу даврда бастакор ижоди айниқса гуллаб-яшнади. У машҳур туртинчи симфониясини ёзиб тугатди. Бетховеннинг ҳаётга муҳаббати ортди, яна хушчақчақ, қувноқ, одамларга меҳрибон бўлиб қолди.

Бироқ, ҳозиргача сирли қолган сабабларга кўра, бу севги ҳам бахтсизлик билан тугади. Улар бирга бўла олмадилар. Тереза бастакорни умрининг охиригача унутмади, унинг ўлмас куйлари ҳаёли билан яшади.

Тереза Людвикка портретини тақдим этар экан, хошиясига "Ноёб даҳо, буюк санъаткор, меҳрибон инсонга", деб ёзиб қўйган эди. Бетховен суратни ҳаётининг сўнги кунларигача ёнида олиб юрди.

Бастакор умрининг охириги йилларида унинг дўстларидан бири Людвикни галати ҳолатда кўрди. У йиғлар, қўлидаги суратни гоҳ упар, силаб-сийпалар, йиғлар ва бир сўзни такрорларди: "Сен шу қадар гузал, фариштадек маъсумасан. Сен ҳаётимсан. Бу дунёда сенсиз менга ҳаёт йўқ!.."

Бастакорнинг қўлидаги Терезанинг сурати эди...





Қизимнинг сийдик йўли атрофида шиш пайдо бўлган. Дўхтирга кўрсатсам, одамлар қизим ҳақида ёмон хабарларга борармикин, деган андишадаман. Қизимнинг касали қанақа? Уни ҳеч кимга сездирмай, уйда даволаш мумкинми?

Нафиса,
Нишон тумани

Мухтарам “Чимилдиқ” шифокори! Ҳаётда касалликлар кўпчилигини билардим, бироқ бунақасига учрамагандим. Ҳомилдорлик вақтида аъзоимда (қинда) худди бир нарса чақётгандек безовталиқ пайдо бўлган эди. Мен уни ҳомилдорлигимга йўйган, бола туғилганидан кейин босилиб қолар, деб чидаб келардим. Бироқ туғруқдан сўнг дардим янада зўрайиб, сўгалсимон ўсимталар пайдо бўла бошлади. Қўшни хотин билан дардлашганимда, у бунақа касаллик фақат ёмон аёлларда учрайди, деди. У қишлоғимизда мен ҳақимда ҳар хил гап тарқатибди. Худо шоҳид, ўзимга покман. Бу гапларни эшитиб, эрим мени юпатди, у менга ишонади. Бироқ ҳамон тузалганим йўқ. Мен қандай касалман? Бунинг давоси борми?

Х.,
Наманган шаҳри

АВВАЛ СОҒЛИҚ, КЕЙИН ОНАЛИК

Мухлислар саволларига тиббиёт фанлари доктори, профессор Жўрахон Азимова жавоб беради

Ўсмирлик ёшида нисбатан кўп учрайдиган хасталиқ турларидан бири ташқи жинсий аъзолар яллиғланиши бўлиб, у вульвит деб аталади. Вульвитнинг белгиси - бемор ташқи жинсий аъзоларида безовталиқ, ачишиш, баъзида эса оқчил суюқлик оқиши билан ифодаланади.

Хасталиқ асосан инфекция тушишидан пайдо бўлади, уни кўпроқ замбуруғ, ҳар хил бактерия ва вируслар кўзғатади. Баъзида эса хасталиқнинг сабаби ўсмир ерга ўтириб ўйнаганда тушадиган тупроқ ёки йўғон ичакда гижжаси бўлса, унинг қинга ўтишидан пайдо бўлиши мумкин. Бундан ташқари, шахсий гигиенанинг бузилиши, ювинтириш ёки таҳорат олишнинг таъбиот илмига хос қоидабини билмаслик ва қиз бола ички кийимларнинг чоки дағал бўлиши ҳам инфекция тушишига шароит яратади.

Бунинг олдини олиш учун аввал ўсмир қизнинг алоҳида ётиш ўрнига эга бўлиши, таҳорат олиш ёки ювиниш қоидаларига риоя этиш, зарур йўғон чоклар терини шилиб юборишини ҳисобга олиб, майин ва ҳар гал тоза ички кийимлар кийишни одат қилиш лозим. Хўш, хасталиқ кузатилганда нима қилиш керак? Бунда албатта, энг аввало, шифокорга учраш тавсия этилади. Мактубда келтирилганидек, баъзан қишлоқ шароитида ёш қизларни гинеколог-врачга олиб боришга номус қилинади. Бироқ, яширилган хасталиқ бир ўсмир қизни қанчалар қийнашини, унинг асорати эса ҳатто бепушт ҳам қилиб қўйишини билишмайди.

Уй шароитида даволаш, айниқса, баъзан хасталиқнинг аниқ ташҳисини билмаган табибларнинг суртма дориларидан фойдаланиш ҳам ёмон асоратларга олиб келади. Хатда келтирилган ўсмир қизнинг хасталиги ўз белгисига кўра вульвогонитга хос. Бунда бемор ҳозир барча поликлиникаларда очилган махсус қизлар гинеко-

логияси бўлимига мурожаат қилмоғи лозим. Шифокор текширувидан сўнггина унинг маслаҳати билан қолган даво-ни уй шароитида олиб бориш мумкин.

Вульвогонит қин даҳлизи ва девори яллиғланишининг қўшилиб кетишидан пайдо бўлган хасталиқдир. Бунда беморни худди вульвитга хос белгилар билан бир қаторда кўпроқ йирингли ажралма оқиши безовта қилиб, баъзан қорин пастки қисмида оғриқ кузатилади.

Вульвогонит келиб чиқишининг сабаби баъзан ички касаллик (камқонлик, буйрак ва жигар яллиғланиши, юрак хасталиги ва бошқалар, эндокрин (қандли диабет, буқоқ кабилар) бўлишини эътиборга



олмоқ зарур. Баъзи ҳолларда жинсий аъзога ёт бир унсур тушиб қолиши ҳам мумкин. Агар юқоридаги белгилар мавжуд бўлса, беморни маҳаллий даволаш муолажалари билан соғайтириш мумкин. Бу ҳақда гинеколог-врач ўз маслаҳатини беради.

Ушбу яллиғланиш асосан таносил касалликлари қаторига киради ва аксарият қўшилиш ҳолларида юқади. Лекин ўсмир ва туғруқ ёшигача бўлган қизларда бу хасталиқ шахсий гигиенанинг бузилиши оқибатида юқиши кузатилади. Масалан, оила аъзоларидан кимдир шу дардга чалинган бўлса, улар билан ухлаши, унитаз ёки ванналарда умумий фойдаланиши, боғча ёшидаги

қизалоқларда эса, умумий тувақдан юқиши кузатилади.

Беморнинг ушбу дарди атрофлиқа даволанмаса касаллик кучайиб, ички жинсий аъзоларига ўтиб кетиши, унда ўсимта этар пайдо бўлишига олиб келади. Бу дардга чалинган бемор албатта тери-таносил касалликлари шифокори кўригидан ҳам ўтмоғи зарур.

Энди “Чимилдиқ”қа мактуб йўллаган Х. исмли синглимизнинг дардига келсак, ҳомилдорлик даврида безовталиқ билан кечадиган касаллик замбуруғ ёки трихоманоз бўлиши мумкин. Қичиш белгиси билан кечадиган жинсий аъзолар хасталигининг сабаби қон таркибида қанд моддасининг меъёрдан ошиб кетганлигидан ҳам пайдо бўлади. Қандай инфекция яллиғланиш касаллигини кўзғатганини лаборатория аниқлаб беради. Аслида ушбу дардни туғруқхонадаёқ даволаш мумкин эди. Афсуски, бу зарурий даво чилла даврида ҳам амалга оширилмаган. Кейинчалик аёл айтганидек, сўгалсимон ўсимталар ҳосил бўлган, бемор аҳволини мураккаблаштирган. Ушбу хасталиқ белгиларига қараб, замбуруғ деб ташҳис қўйиш, замбуруғли колний деб аташ мумкин. Бу касалликдан чўчима, атрофдаги гап-сўзларга ҳечам эътибор бермай, гинеколог-врачга иложи борича тезроқ учрашиш лозим.

Ўрни келганда шуни таъкидлаб ўтмоқ жоизки, айрим тоифа кишиларнинг бепарволиги ёки ўринсиз уялиши, шифокорга кўринмай юриш каби одатлари кўплаб касалликларни, хусусан, аёллар хасталиқларининг ҳам ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Нафақат туғруқ ёшидаги ёки ундан катта ёшдагилар, балки барча қизлар йил давомида 1-2 бор шифокор кўригида бўлиши лозим. Зеро, соғлом аёлдангина соғлом фарзанд туғилади.

ЁРДАМ СЎРАШГА УЯЛАМАН

Очиғини айтсам, агар «Чимилдиқ» саҳифаси бўлмаганида балки кимдан маслаҳат сўрашни билмай юраверардим...

Аваллига ҳаммаси кўнгилдагидек эди. Уйландим. Фарзандли бўлдим. Лекин кўп ўтмай ўзимда жинсий ожизликни ҳис қила бошладим. Оилавий муносабатларда ҳам бироз совуқчилик бошланди. Дардимни кимга айтишни билмасдим. Қишлоқ жойда яшаймиз — ҳамма врачлар таниш. Улардан ёрдам сўрашга уяламан.

Ахирини бир қалин дўстимга кўнглимни ёрдим. У менга аввало ичкини ва чекишни ташлашимни маслаҳат берди. Хайрон бўлдим. Наҳотки буларнинг жинсий аъзоларга алоқаси бўлса? Шу ҳақда батафсил маълумот беришларингизни сўрайман. Илтимос, исмиمنى газетада кўрсатманг.

Ҳурмат билан Н.К.,
Ғузур тумани

Биз ушбу саволга жавоб излаб С. Умаровнинг “Жинсий ожизлик” китобига мурожаат қилдик. Унда шундай дейилади:

Эркак мижозининг заифланишига баъзи бир зарарли одатлар, чунончи, қора дори ейиш, кўкнори ичиш, тамаки чекиш ҳамда спиртли ичимликлар ичиш қатта таъсир кўрсатади. Булар ичида айниқса, тамаки ва спиртли ичимликлар жинсий қобилиятнинг пасайишида ҳал қилувчи рол уйнайди.

Тамаки таркибида жуда кўп заҳарли моддалар бор. Никотин тирик организм учун заҳри қотилдир. Масалан, никотин билан ҳўлланган таёқчани чумчуқ тумшугига теккизилса, у тил тортмай ўлади. Одамни эса 0,06-0,08 грамм никотин ўлимга олиб келади. Бир кунда 20 донна папирос чеккан одам ўз организмга 0,1 грамм заҳар киритади. Буни шарҳлаб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Никотин организмга сурункали равишда оз-оздан кириб турар экан, вужудимиз унга ўрганиб, тезда заҳарланмайди.

Никотин сезги аъзоларининг таъсирланишини сусайтиради. Шу сабабли, аёл кишининг яқинлиги ҳам чекувчида жинсий майлни уйғота олмайди. Никотин фақат эркакларнинг жинсий аъзоларига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки аёлларга ҳам ёмон таъсир кўрсатади. Никотин таъсирида аёл ҳомилдор бўлмайди, бўлганда ҳам бачадон мускуллари бўшашиб, бола тушади. Бундан ташқари жинсий аъзоларни кўзғатувчи бош ва орқа миёдаги марказлар ҳамда эякуляция марказлари фаолияти бузилади, жинсий аъзолардаги мускуллар, қон томирлар бўшашиб, уруғ тезда кетиб қолади ҳамда жинсий кўзғалиш сусаяди.

Алкоголь — тирик организм учун заҳар. Алкоголь организмда тирик ҳужайраларга таъсир қилиб, ҳужайраларнинг асосий озиқланиши, ҳаракатланишини ва кўпайишини амалга оширувчи протоплазмани нобуд қилади.

Алкоголь, ҳаётини муҳим аъзоларга, жумладан жинсий аъзоларнинг ишига путур етказди. Жинсий аъзолар фаолияти оз-оздан ичганда ҳам бузилади. Чунки алкоголь марказий нерв системасига таъсир этиб ёки туғридан-туғри жинсий аъзолар фаолияти қаттиқ бузилиб, оқибат натижада тузалмайдиган дардлар келиб чиқади.

Спиртли ичимликлар марказий нерв тизмига таъсир кўрсатиб, кишини жинсий ожиз қилиб қўйишдан ташқари, барча аъзоларда оғир ўзгаришларни пайдо қилади. Натижада жинсий аъзоларнинг фаолияти ёмонлашади ёки тўхтабди. Спиртли ичимликлар таъсирида уруғ каналлари ёғ тўқималарига, мойк паренхимаси бириктирувчи тўқималарга айланиб кетади ва мойк ҳамда простата беши кичрайиб, атрофияга учрайди. Сурункали алкоголизмдан уруғ ишлаб чиқариш қобилияти жуда ёмонлашади, жигар касалланади. Жигарда ўзгаришлар гонадотроп гормонининг ишлаб чиқарилишини секинлатади. Бу эса шахватнинг йўқолишига олиб келади. Ёш йигитларда шахватнинг йўқолиб кетишини алкоголизм оқибати, деб тушуниш керак.



ОҚ ЛИБОС КИЙМАГАН ҚИЗ

Бугун маҳалламизда тўй. Дугонам узатилапти. Бу қиз билан бирга бир синфда ўқиганмиз, доим бирга бўлардик, мактабда, уйга келгандан сўнг ҳам бир-биримизсиз турулмасдик. Орзу-ҳавасларимиз ҳам бир хил эди. Энди эса...

Мен онамининг юзларини шувут қилган, отамнинг маҳаллада бош кўтариб юролмасликларига сабабчи бўлган нонкўр фарзандман. Ҳаммасига ўзим ва фақат ўзим айбдор... Ҳа, тўғри мени севишди, мен ҳам севдим. Лекин, енгилтаклигим бошимни еди. Севган йигитим билан унашилгандик. Ўша орзу-ҳавасларим ушалишига бир ой қолганида, менинг сабр деб аталмиш бир туйғум мени бу нарсадан маҳрум қилди. Унаштирилган йигитим билан эмас, балки мени ўз домига илтириган бошқа йигитнинг ҳиссиётига берилдим. Бу бутун маҳаллага маълум бўлди. Қўни-қўшнилар қўлини бигиз қилиб мени кўрсатишар, "бузуқ" деган тамга умрбод менинг пешонамга ёзилганди. Воқеадан хабар топган куда томон бизга бунақа келин керак эмас деб, фотиҳани бузишди. Энди менинг бор орзу-умидларим, ўша мен ўйлаган, тушларимга кирган оппоқ либос фақатгина хаёлларимда акс этапти. Ҳаётда бир бора адашдим, лекин жуда-жуда ёмон...

НАФИСА

**Балки сени йўлдан урган шайтон бўлди,
Чимилдиксиз тунда ой ҳам ҳайрон бўлди,
Битта гунча очилмасдан хазон бўлди,
Гул ёшида ўз-ўзини тиймаган қиз,
Ҳаётида оқ либос киймаган қиз.**

**Гуноҳингни кўз ёшларинг ювмас энди,
Ҳавас қилган йигитлар ҳам қувмас энди,
Афсус, сенга ҳеч ким совчи қўймас энди,
Гул ёшида ўз-ўзини тиймаган қиз,
Ҳаётида оқ либос киймаган қиз.**

**Карнай-сурнай чалинмасдан уйинг қолди
«Ёр-ёр» деган ҳаяжонли куйинг қолди,
Баҳорларга белгиланган тўйинг қолди,
Гул ёшида ўз-ўзини тиймаган қиз,
Ҳаётида оқ либос киймаган қиз.**

Шухрат ҲАКИМОВ
Асака шахри

МАСЛАҲАТИНГА МУҲТОЖМИЗ

Ассалому алайкум, хурматли "Чимилдик" ижодкорлари.

Иловангизни мунтазам, зур қизиқиш билан ўқиб бораман. Унда сизлар ёритиб бораётган келин-куёв муаммолари, турли жинсий касалликлар туғрисидаги шифокор кўрсатмалари янги қурилган оилалар учун жуда асқотади деб уйлайман.

"Чимилдик"да ёш келинларга, қизларга атрофдагилар билан муомала қилиш сир-асрорларини ҳам бериб борсангиз, янаям яхши бўларди.

Ҳозирги купчилик қизлар, келин бўлиб тушсаму, менинг рўзгоримни алоҳида қилиб чиқариб юборишса, деб уйлашади.

Яна бир гап. "Чимилдик" нафақат ёшлар учун, биз катталарнинг севимли газетамиз. Кези келганда қайнона, қайноталарга ҳам керакли йўл-йуриқлар бериб туринглар. Урганмаганимизни урганайлик, тушунганимизни тушунайлик.

Мавлуда
МАҲАММАДХОНОВА,
Пскент

ЭРИНГИЗ БИЛАН МУНОСАБАТИНГИЗ ЯХШИМИ?

(Давоми. Аввали 3-бетда)

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

Агарда тўплаган балингиз 75 ва ундан юқори бўлса Ҳеч шубҳа қилмай айтиш мумкинки, сизнинг оилавий аҳволингиз жар ёқасига бориб қолган. Сиз, албатта, барчаси учун хоҳ фикран бўлсин, хоҳ зикран гарчи кўп нуқсонлар ўзингизда бўлса ҳам, эрингизни айбдор қилгингиз келади. Эрингиз эса сизнинг бу ишларингизга ўрганиб қолган ва шунинг учун эътибор ҳам бергиси келмайди. Оиладаги аҳволни яхшилаш қийин ва ҳатто иложсиз бўлиб қолган. Аммо ҳали қўл силташга эрта. Оилавий бахт билан хайрлашиш ёки воз кечишдан олдин эр билан ярашиш учун мумкин ва мумкин бўлмаган барча ишларни қилинг. Бу албатта ҳар кўннинг қўлидан келадиган иш эмас. Бунга фақат сиз ўз хулқ-атворингизни яхшилаган тақдирингиздагина эришингиз мумкин.

40 дан 74 гача

Оилавий аҳволингиз албатта ҳавас қилгудек эмас, агар сиз эрингиз билан барча икки-чикирларни муҳокама қилиб, муаммоларни ҳал эта олсангиз, турмушда мувозанат ўрнатилган бўлади. Шунинг учун, сиз муносабатлар масаласида эрингиз билан тенг баравар масъулсиз. Аввало, ўз ҳуқуқингизни тафтиш қилинг. Инқироз ва тангликлардан қўрқманг. Агар куч-қувват сарфласангиз, ҳал қилса бўладиган.

39 дан озоқ

Сизнинг оилавий аҳволингизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Эр масаласида сизнинг бахтингиз чопган. Хотин масаласида эрингиз ҳам шундай фикрда бўлса керак.

КЎПРОҚ УХЛАНГ


Инглизлар кам ухлар экан. Англиялик олимлар уларни кўпроқ ухлатиш муаммоси устида бош қотирмоқда.

Агарда одам бир кеча кундузда саккиз соат ўрнига етти соат ухлагудек бўлса ҳам унинг зехни ўтмаслашиб, меҳнат унуми камаяр экан.

Италиялик мутахассислар эса тўйиб ухлалмаслик инфаркт ва инсультга олиб келишини исботлашди.

Кунига 5 соатдан кам ухлайдиган, иш фаолияти тунда давом этадиган ишчилар, сотувчилар ва шу каби соҳалар соҳибларининг оиласида кечаси тўйиб дам оладиганларга нисбатан эр-хотин ўртасидаги ажралишлар 60 фоиз кўп бўлади. Йўл-транспорт ҳаракатидаги туқнашувларнинг аксарияти ҳам мудраган одамлар томонидан содир қилинади.

Шу боис, Иллиной штатидаги Уэст-Денди шаҳрида тунда ишлайдиган барча корхоналарнинг фаолиятини тонггача тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинибди.



Туркияда никоҳ ва уйланиш маросимлари икки босқичда ўтади. Нишонлилик даври ва никоҳ. Нишонлилик даври ўртача бир йилгача давом этиши мумкин. Бу давр мобайнида ёшлар тез-тез учрашиб турадилар, маданий тадбирларда, оилавий йигинларда бирга бўладилар. Қисқаси бир-бирларини яқиндан танийдилар. Шундан кейин иккала ёшнинг розилиги билан тўй ва никоҳ куни бел-

ширинлик таклиф этилади. Чойни бўлажак келин дамлаб, меҳмонларга тарқатади. Чойдан кейин йигитнинг ота-онаси муддаога ўтади ва икки ёшнинг бошини қовуштириш ниятида эканликларини баён этадилар. Қизнинг ота-онаси бу таклифни қабул қилса, нишонлаш куни белгиланади. Нишонлаш маросими яқин қариндошлар иштирокида, ортиқча даббаларсиз ўтказилади. Йигит қизнинг бармоғига, қиз эса йигитнинг

ТУРКИЯДА НИКОҲ ТҮЙЛАРИ

гиланади.

Келин танлаш ота-она таклифи билан ҳам, ёшларнинг ўз истақлари билан ҳам амалга ошиши мумкин. Йигитнинг ота-онаси бўлажак келин уйига совчиликка келади. Уларга чой ва

бармоғига узук тақади.

Никоҳ тўйлари ҳам ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказилади. Ошхона ёки махсус маросимлар зали 2-3 соатга кираланади. Унга иккала оиланинг яқинлари, дўстлари ва ҳамкасблари тўпланадилар. Столларга фақат ширинлик ва сув қўйилади. Спиртли ичимликлар ичилмайди. Таклиф қилинган санъаткорлар куй ва кўшиқлар ижро этадилар. Йигитлар рақсга тушадилар, охирида келин ва куёв ҳам рақсга таклиф қилинади. Рақс сўнггида келин ва куёв саҳнага таклиф қилинади ва тўйнинг энг муҳим маросими бошланади. Туркияда шакланган анъанага кўра, келинга олтин тақинчоқлар ҳадя қилинади. Келин ва куёвнинг яқинлари бирин-кетин саҳнага чиқиб, музика садолари остида имконларига яраша олтин тақинчоқлар ҳадя қиладилар. Тўйни олиб борувчи бунга эълон қилиб туради. Масалан, келиннинг аммалари бир олтин узук ёки келиннинг тоғаси бир олтин билагузук, деб айтиб туради. Топмаганлар пул ҳам бериши мумкин. Хуллас, анчагина олтин ва пул маблағи тўпланади. Бу маблағ келин-куёвнинг оёққа туриб олишларида мадад бўлади.

Қишлоқлардаги тўйлар турли хил маҳаллий урф-одатлар, расм-русумлар асосида ўтказилади. "Бошлиқ пули" деган қалин олиш, қиз олиб қочиб қаби воқеалар ҳам учраб туради. Аммо асосан нишонлилик даврига риоя қилинади. Чекка қишлоқларда фақат диний никоҳ асосида турмуш қурганлар ҳам мавжуд. Аммо ҳукумат никоҳ расмий идораларда қайд қилингандагина қонуний бўлишини таъкидламоқда.

Қишлоқлардаги тўйлар жуда тантанали ўтади. Куёвнинг уйи тепасига Туркия байроғи илинади. У тўй ўтгунча олинмайди. Ногора ва сурнайлар чалинади, меҳмонларга турли миллий таомлар тарқатилади. Келин отда ёки машинада олиб келинади. У келганда турли милтиқлардан ҳавога ўқ узиб қўтланади, оммавий рақслар бўлади.

Катта шаҳарларда бадавлат оилаларнинг тўйлари анча дабдабали бўлади. Бунинг учун ресторанлар кираланади, таниқли санъаткорлар таклиф қилинади. Турли хил таомлар тортилади. Барча расм-русумларда Европанинг таъсири сезилади.

Норасмий маълумотларга кўра, 100 мингга яқин ўзбеклар Туркиянинг Адана, Истанбул, Измир, Конья, Гозиёнтеп, Хатай каби шаҳарларида яшайдилар. Ўзбекларнинг асосий қисми турли йилларда Афғонистон ва Саудия Арабистонидан кўчиб келган. Улар маҳалла бўлиб яшайдиган жойларда тўйлар миллий урф-одатларга кўра ўтказилади.

Н.МУҲАММАДИЕВ

"ЧИМИЛДИК"

"ТУРКИСТОН"
ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА
ИЖОДКОРЛАРИ:
ДАЙЛО,
БЕКТЕМИР,
ШАҲНОЗА

1999 йил 31 март

ТҮРТ ЙИЛЛИК ТОРТИШУВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда ЕИнинг XXI асрдаги фаолиятини белгилаб берувчи «2000 йил кун тартиби» дастури ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Улар орасида ЕИ билан Жанубий Африка Республикаси ўртасида савдо тўғрисидаги битим лойиҳаси ҳам ўрин олган эди. Саммитда битим қўллаб-қувватланди.

Шундай қилиб, ЕИ билан ЖАР ўртасида мазкур битим лойиҳаси юзасидан олиб борилган тўрт йиллик баҳс-мунозаралар ниҳоясига етди.

Битимнинг асосий шартига кўра, томонлар божхона тўсиқларини аста-секин бартараф этади. Унга мувофиқ, 10 йилдан кейин ЖАРнинг Европа Иттифоқига импорт қилинадиган товарларига 5 фоизлик бож солинади. Ўз навбатида Жанубий Африка Республикаси ҳукумати 12 йилдан кейин, мамлакатга киритилган ЕИ товарларининг 85 фоизига бож солинишнинг қарор қилинади.

Бу ҳужжат ўтган тўрт йил давомида қўллаб қаршиликларга учради. Шу йил февраль ойида Давосда ҳужжат лойиҳасини муҳокама қилишда Франция, Италия, Испания, Португалия ва Греция вакиллари ЖАРга «ниҳоятда сажайилик» қилинган деб уни рад этди.

Бироқ нима бўлганда ҳам, томонлар муроСага келди. ЕИ расмий вакиллари билан ташкиллашчи, Европа етакчиларининг ЖАР раҳбари Нельсон Манделага президентлик ваколати тугагунга қадар мазкур битимни қўллаб-қувватлаш тўғрисида берган ваъдаси амалга ошди. Н.Манделанинг президентлик ваколати эса шу йил июнь ойида ниҳоясига етади.

Жанубий Африка Республикаси иқтисодчиларининг таъкидлашича, узоқ муддатли режанинг амалга оширилиши натижасида ЖАРдаги хорижий сармоя ҳажми ҳозиргисига нисбатан анча кўпайишига ва мамлакат иқтисодий тараққиёти янада ўсишига олиб келади.

Алишер ҲАСАНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

А Н Қ А Р А. Истамбул шаҳрида яна бир террорчилик ҳаракати содир этилди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, номаълум шахс шаҳар марказидаги Таксим майдонида турган полиция автомобилга қўл гранатасини отган. Портлаш натижасида бир киши ҳалок бўлган, етти киши тан жароҳати олган.

Айни пайтда жиноятчини қўлга олиш чоралари кўрилмақда.



Т О К И О. Япониянинг йирик «Ниссан» автомобилсозлик компанияси билан Франциянинг «Рено» автомобилсозлик компанияси ўртасида ўзаро яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида битим имзоланди. Унга биноан, янги автоюшма ишлаб чиқарадиган автомобиллар сони йилга 5 миллион донани ташкил этади.

Имзоланган битимга мувофиқ, «Рено» 643 миллиард иен /5,4 миллиард АҚШ доллари/ миқдордаги маблағни «Ниссан» компанияси акцияларига сарф қилади. Бу маблағ «Ниссан»нинг молиявий муаммоларини ҳал этиш мақсадларида ишлатилади.

Н А Й Р О Б И. Анголада ҳарбий вазият яна кескинлашди. УНИТА исёнчилар ташкилотининг қуроли гуруҳлари стратегик жиҳатдан муҳим саналган Куито ва Маланже шаҳрини ўраб олган. Натижада юз минглаб тинч аҳоли уруш ҳаракатлари ичида қолди.

Куито шаҳри мамлакат марказидаги тоғли ҳудудда жойлашган бўлиб, айни пайтда у ташқи дунёдан ажра-

тиб қўйилган. Ўтган йили шаҳарга автомобиллар орқали озиқ-овқат олиб келиш тўхтатиб қўйилган эди. Энди эса уруш ҳаракатлари туфайли авиациядан ҳам фойдаланишнинг иложи бўлмади қолди.

В И Л Ъ Н Ю С. Литвага АҚШ конгрессменлари делегацияси ташриф буюрди. Уч кунлик ташриф давомида америкалик меҳмонлар Литва раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

Учрашувларда томонлар Литвадаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол, мамлакатнинг НАТОга қабул қилиниши ҳамда Косово можароси юзасидан ўзаро фикр алмашади. Шунингдек, конгрессменлар ўтган йилнинг январь ойида имзоланган «АҚШ-Болтиқбўйи хартияси» доирасида Литвада амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишади.

П Е К И Н. Хитой билан Вьетнамнинг чегарадош ҳудудларини миналардан тозалаш борасида ўтказилган навбатдаги тadbир якунланди. Тadbир давомида 600 мингдан ортиқ мина зарарсизлантирилди.

Маълумотларга қараганда, бу тadbир Хитойнинг Юнанн вилоятида ўтказилган. Умуман ушбу вилоятни миналардан тозалаш тadbiri 1997 йилнинг декабрида бошланган эди. Хитойлик ҳарбийларнинг айтишича, ҳозир бу ҳудуд миналардан деярли тўлиқ тозаланган.

1979 йил мартда бўлиб ўтган Хитой-Вьетнам қуроли тўқнашуви даврида икки мамлакат чегара ҳудудларига жуда катта миқдорда мина қўмилган эди.

Б Е Р Л И Н. Германияда Осиё ва Европа мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг иккинчи анжумани бошланди. Унда Европанинг 15 ҳамда Осиёнинг 10 мамлакати вакиллари иштирок этмоқда. Биринчи қитъалараро анжуман 1996 йилда ўтказилган эди.

Анжуман иштирокчилари дунёнинг айрим мамлакатларида юз бераётган молиявий инқироз асоратларини бартараф этиш, минтақавий можароларга чек қўйиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда халқаро жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

ЎЗА/

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Мумтоз тушунди, бунини унга қўшмачи аёл ўргатган. У Афсонани Мумтозга пулламоқчи. Катта пулга ўтказмоқчи. Қўзлаган нарсасини Мумтоздангина олиши мумкинлигини у яхши билади.

Мумтоз шу пайт хаёдан ўтказди: ҳар ҳолда, Оқсаройга Тахминадан кўра буниси муносиброқ кўринади. Лекин бу иш осонлик билан кўчмайди, албатта.

У қўшмачи аёлни чақиртириб, унга бир даста пул тутказди:
- Афсона меники. Оғзинга сиққанини олсан. Бошқа ҳеч кимга қўшмай, асрайсан!

Қўшмачи аёл завқланиб тиржайди:
- Хўп бўлади, бой ака.

Мумтоз йўл-йўлакай ана шуларни кўз олдига келтириб, бугунги нохушликлар асорати ва чарчоғини оз-моз унутгандай бўлди.

Бир хаёли ҳозир машинани уша қўшмачи аёлнинг уйи томон буриш ва бу тунни Афсонанинг афсонавий дунёсида ўтказиш фикрига ҳам борди. Лекин юрагини куйштириб турган бугунги нохушликлар аччиғи устун келиб, дами ичида қолаверди.

Оқсаройда ҳеч ким йўқ, дабдабали кўшқ хувиллаган, сукунатли тун кўйида ёлғиз ўзи сўпайиб, гўё бу атрофда беҳуда бош кўтарган азим ва жонсиз ҳайкалдек қотиб турарди.

Мумтоз ҳовлига кириб, Сурайё ётган хўжрага жирканч назар ташлаб қўйди. «Эртагаёқ дорилатиб ташлаш керак» - хаёдан ўтказди у. Кейин Алми акага буюрди:

- Сен бола-чақангни олдига қайт. Тонг саҳарда кел. Соат бешларда. Зарур иш бор.

- Хўп.
- Тўхта. Аввал орқага ўт, кучукларни қўйиб юбор. Олдиларига егулик ташла.

Шу тоб ўзининг ҳам очлигини ҳис этиб ошхона томон юрди. У ердан бир ликоб пўстлумба, бир шиша очилмаган коньяк кўтариб, оромхонага ўтди. Телевизорда Москвадан аллақандай шахвоний фильм кўрсатилаётган экан, хўзур қилиб ўтириб, пўстлумба билан коньякни охирлатиб қўйди.

Ногоҳ телефон жиринглаб қолди. Гушакда Тахминанинг сотувчи кизи Наталья эди. Айни бош қилиб турганда унинг кўнгирик қилиб қолиши Мумтозга, гушакни қачонлардан бери қорасини кўрсатмай юрган «қочқоқ» Мумтознинг шахсан ўзи кўтарганлиги эса Натальяга жудаям ёқиб тушди.

Урис қизнинг омади гапи Тахмина хонимнинг бугун ишга бормаганлиги, кун бўйи уни телефонда суриштириб шаҳардаги кварталдан ҳам, Оқсаройдан ҳам топилмаганидан бошланди. Кимдир Натальяга Тахмина хонимнинг ўз

«Эсперо»си рулида ҳалигина Оқсарой томонга ўтиб кетганлигини айтипти.
- Ёлгон гап, - деди Мумтоз унинг сўзини бўлиб. - Тахмина Кўконга кетган. Эртагаям ишда бўлмаслиги мумкин. Менга, ундан кўра, ўзиндан гапир...

Мумтознинг кўз олдига Наталья бир кун унинг хўзурига етаклаб келган Музаффар исмли йигит тавдаланди. Новча бўй, қотмароқ, қош-кўзлари порпираб турган латифгина ўспирин эди у. Етимликда ўсган бола экан. Аллақайси газеталарда ишларкан, сиртдан журналистикага ўқиркан.

- Биз бир-биримизни севиб қолдик, уйланмоқчимиз, - деди Наталья ўшанда Мумтозга маъноли боқиб. - Сиздан рухсат олгани келдик...

Музаффар бу гапдан ажабланиб, Натальяга саволмуз боқди. Чунки қиз уни бу ерга:

«Шефим-да н ф о т и х а олишим керак, бизда улум шундай» дея олиб келган эди. Энди эса, ундан ф о т и х а эмас, рухс а т сўрайпти...

Музаффар қаршидаги ю м ш о қ креслода оёқларини чалқаштирганча иккала ёшга кибру ҳаво билан ҳамда сезиларли даражада масҳараомуз боқиб ўтирган «Мумтозбек жаноблари» ни яхши танийди. Бугун у маҳаллий журналистларнинг кўпчилиги шаҳардаги бир чимдим мафиоз гуруҳнинг сарвари сифатида эътироф этилган, шу билан бирга, маиший бузуқлик ва бетавфиқликда кенг маълум бўлган бу одам билан шунчаки бир юзма-юз бўлиб қўйиш истағида, Натальянинг хоҳишига осонгина кўниб келгандай бу ерга.

Музаффарнинг юрағига гулгула тушди: Наталья бу иблисдан беҳуда рухсат сўраётгани йўқ! Бунини қарангки, сира кутилмаганда, ўрис қиз ўзининг солдадиллиги ва ростуёлиги борди. У ўзича ҳайрон боқиб турган Музаффарга гуноҳқорона бош эгиб деди:
- Мени тўғри тушун... Мен... рухсат сўрашга мажбурман...

Мумтоз шу тоб гапнинг ишқали чиқётганини сезиб қолиб шоша-пиша томоқ қирганча юзига жиддий тус берди-

да, масалага нуқта қўйган бўлди:

- Яхши, яхши. Куёв йигит ҳам менга ёқиб турипти. Мен розиман. Фақат...Мени эслан чиқариб қўймасанг... лар бўлгани.

Музаффарнинг пешонасида совуқ тер йилтиллади. Назарида, Мумтоз шу тоб гўё унинг оғзига тупуриб қўйгандек, кўнгли беҳузур тортиб, кўз олди бироз хира тортиди. Лекин сир бой бермади, фақат нимадандир қаттиқ жирканган қиёфада, Мумтозга жавоб қайтарди:
- Кечирасиз, ювиндихўрлик итлар учун буюрилган!

У шундай дея кескин ортига бурилганча хонадан чиқиб кетди. Гап нимадалигини англолмай қолган Наталья эса бир дам аланг-жаланг бўлиб турди-да, кейин у ҳам Музаффарнинг ортидан отилди.

Мумтоз кутилмаган ҳақоратдан тош қотиб қолди, кейин кресло қанотларини қаттиқ чангаллаганча, қалтираб о ё қ қ а турмоқчи бўларкан, газаб билан қичқирди:

- Ким бор!? Сапар, Рина!

Ичкарига айик келбат бир йигит лопиллаб кирди:

- Хизмат, хўжайин!?

- Ҳозир чиқиб кетган йигитни дарҳол тутиб келтиринг-

лар!

- Хўп бўлади, хўжайин! - Айик шундай дея саросимада ортига буриларкан, креслога чуқиб қолган Мумтоз уни яна тўхтатди: - Тўхта... Кейинроқ...

Шундан кейин Наталья билан уша йигитга уйланиш насиб этмади. Музаффар қайси бир ўртоғининг тўйидан кечаси ширакайф қайтаётганда, йўлда уни кимлардир тутиб олиб, жуда қаттиқ дўппослашган. Жигарини эзиб қўйишган экан, касалхонада бир ойда ётиб, оламдан кўз юмди. Бироқ ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолиб кетаверди, етим йигит Музаффарнинг ўлими учун жавобгарлик ҳеч кимнинг бўйнига қўйилмай қолаверди.

Ҳозир Натальянинг телефонда «Ўзингиз рухсатингиз билан топганини худо менга кўп кўрди. Энди буёғига қўрқиб қолганман» дейиши ана шундан эди.

- Сен энди кўрқма, - деди Мумтоз унга жавобан. - Фақат... эр ҳақидек бўлсанг, мўмин-қобилдан топ. Унча-

мунча нарса билан иши бўлмасин...

Шундан кейин бугун Натальядан умидини узган ширакайф Мумтоз энди телефонда яна Афсонани қидириб топмоқчи бўлди. Пиво заводи директори Самандарга кўнгирик қилди. Ошнаси уйда экан. Мумтознинг овозини эшитиб, ҳаяжон билан сўради:

- Тинчликми, Мумтоз? Сени қидириб телефон қилмаган жойим қолмади.

- Тинчлик...

- Биттаси эрталаб аэропортдан бўлмағур гап топиб келганига? Меҳмонларинг қани? Жўнаб кетишдими?

- Гапни кўпайтирма, Саман. Билсан-ку, ҳар қанча иш бўлса ўзим ҳал қилиб оламан.

- Ха, ҳа, албатта.

- Менга кечаги Афсонани топиб жўнатсанг бўлгани. Бир-икки соатга... Оқсаройдаман.

Самандар жимиб қолди. Ахир унинг ўзи бу тунни Афсона билан бирга ўтказишга келишиб қўйгани, фалон жойда яна бир соатдан сўнг Самандарни қўшмачи аёл билан уша офатижон қиз уни кутиб олишлари лозимлигини Мумтозга айтиб бўлмайдикун ахир!

- Ҳа, ошна, тилингни тишлаб қолдинг? - тоқатсизланди Мумтоз.

- Нега энди тилимни тишлашканман. - дарҳол ўзини унглаб олди Самандар. - Кеча уша қўшмачи аёлнинг адреси ёки телефонини олиб қолмаган эканмиз, шунга уйланиб қолдим...

Мумтоз бу ердан ҳам иш унмаслигига кўзи етиб, «ҳ» йўқ, «бе» йўқ, телефон гўшагини тарақлатиб жойига қўйди.

- Сволочи!...

У энди асабийлаша бошлади. Нималар бўлапти ўзи?! Бугун нега энди ҳамма иш тескарига кетаяпти?! Йў-ўқ, Мумтоз бунга йўл қўймайди! Ҳамиша у истаган иш бўлиб келганми, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши керак! Мен бу пулларни, бу молу дунёни беҳудага тўплаганим йўқ. Уни беҳудага сарфламайман ҳам. Фақат ўзим учун, ҳа, ўзимнинг хўзур-ҳаловатим, маишатим учунгина сочман. Бир марта берилган умрни ҳеч кимга насиб этмаган роҳат-фароғатда ўтказаман! Шундагина мен Тахмина, Наталья, Афсонага ўхшаганлардан яна қанчадан қанчасини қўлдан ўтказишим, узоқ ва бахтли ҳаёт кечиршим мумкин!

Бошидан кечирган бу фикрлардан у энди таскин ва гурур топиб, яна коньяк кўтарди. Шундан сўнг сира кутилмаганда хаёлига бир нарса келиб, телефон гўшагини кўтарди. У энди еи қўшниси кулолинига кўнгирик қилди. Гушакни Зебинисо кўтарди.

- Мен Мумтозман. Эринг қани?

- Маҳаллада тўй бор. Қайтганларича йўқ.

- Тахминани кўрмадингларми?

(Давоми бор)


МАХСУС МАЪЛУМОТНОМАДАН:

Тоҳир Саидов — 1965 йилда Хоразм вилоятининг Боголон қишлоғида туғилган. У 1982 йилда санъат олийгоҳига кириб, Тошкент маданият техникумида бир йил ўқиган, шу даврда у баъзи нуқсонларини йўқотиб, Хоразм шеvasидан соф адабий тилда гапиринга ўтган. Ва ниҳоят 1983 йилда санъат олийгоҳининг драма театр ва киноактёрлик факультетига кириб 1987 йилда битирган.

Иш фаолиятини Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театрида устози Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулла Саъдиев ёнида бошлаган. Уни 1991 йилда катта дода устози Наби Раҳимов Ҳайрулла Саъдиевдан тортиб олиб, Ҳамза театрига олиб келган. Уша-уша Ҳамза театрида, телевидение ва радиода, халқимизнинг яхши кунларида, хуллас калом ижод гулшанида тараллабедод қилиб юрибди.

САХНАГА САМОЛЁТ БИЛАН КИРГАН САҢЪАТКОР

«Профессор — кўлгүтерапевт» Тоҳир Саидов билан сўхбат



гани бизга топширилади. Биз жони дилимиз билан ижро қиламиз. Мабодо асарда биронта роль менга ёқиб қолиб, шуни бажариш истаги туғилса бунга ҳам қаршилиқ қилинмайди. Чунки, ҳар бир актёр ҳар қандай ролда ўзини синаб кўриши мумкин.

— Сизни медицинадан ҳам хабари бор,

— Тоҳир ака, бир қизиқидан Сиз санъатга қандай кириб келгансиз, деб сўрашганда пиёда деб жавоб қилган экан. Сиз қандай кириб келгансиз...

— Бу гапни халқимизнинг сеvimли қизиқчиси Ҳожибой Тожибоев айтганди, менимча. Агар биз Тошкент шаҳрини санъат ўчоғи десак, Ҳожибой Тожибоев шу санъат ўчоғига яқин жойда таваллуд топгани учун пиёда кириб келган бўлиши мумкин. Мен бу маскандан узоқроқда туғилганим учун самолётда учиб келганман.

— Бажазадиган ролларингизнинг аксарияти бошқа тимсоллардан қайсидир жиҳати билан ажралиб туради. Масалан: «Кўнгил кўчалари»да Гадей «Пирн Коинот»да Ал-Ёқуб каби. Буларни кўпроқ ўзингиз таплайсизми ёки топширишадими?

— Мен шу пайтгача роль танлаб ўйнаган эмасман. Чунки, театр қонун-қоидаларида актёрга берилган ролни ижро этмоқ лозим. Албатта, роль кимга топширилишидан олдин устоз санъаткорларнинг бадий кенгашида кўриб чиқилиб, муносиб деб топил-

ЖЕЛИНИ, БИР ЖУЛИШЛАЙЛИК

Далада икки кўй учрашиб қолибди.

Биринчи кўй, «Ба-ба», «Ба-ба».

Иккинчи кўй: «Мў-мў».

Биринчи кўй: Нега маъра-япсан? Сизир эмассан-ку, ахир.

Иккинчи кўй: Албатта сизир эмасман. Мен сизирлар мамлакатига бориб яшаш учун чет тилини ўрганмоқчиман. У ёқда озуқа мўл экан.

Жейме, айтчи олмалар пишганда уларни териш учун қайси вақт қулай?

— Боғ эгаси итини эргаштириб бирор ёққа кетганда.

Инглиз тилидан
Н.РАҲМОНОВА ўғирган.

ДАДА МЕНГА ЭМАС...

Бош жарроҳ операция хонасидан қочиб чиқаётган беморни тўхтатди:


— Нима гап, нега операция қилдириш ўрнига қочиб юрибсиз?

— Ҳамишра қиз «Кўричак энг осон операция, дадил бўлинг, бир зумда ўтади-кетди», — деяпти.

— Ҳамишра тўппа-тўғри айтибди, буни нимаси ёмон?

— Қизиқ экансиз-у, дўхтир. Ҳамишра бу далдани менга эмас, жарроҳлик пичоғи билан мен томон келаётган оқ халатли йигитчага берди-да...

Т.РАҲМАТУЛЛАЕВ



деб эшитдик. Чунки, «Кўлгүтерапия» шифохонангиз бор. Бугун унинг докторлари нима билан машғул?

— Эсладим. Бу саволингиз билан сиз Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатилган «Кўлгүтерапия» кўрсатувини назарда тутяпсиз. Кўлгүтерапия шифохонасини «академик» Фарҳод Абдуллаев, «профессор» — каминна камтарин кулингиз, «фельдшер» Неймат Ҳолматов билан биргаликда очганмиз. Иккита сонига меҳнатимиз сингган. Қолганларини худди шундай давом эттиришлар деб, бошқа шифокорларга топширдик. Менимча, кўнгилдагидек давом эттиришяпти.

— Сизнингча бугун кўпроқ ким куляпти, қизиқчиси ёки томошабинми?

— Қизиқчиларнинг ижодига назар соладиган бўлсак, баъзи бирлари ўзи гапирган гапига ўзи кулади, баъзилари эса бу ҳолатнинг акси. Қизиқчи гапирмасам унинг олдин айтган гапларини, уни ижро этган ролларини эслаб кула бошлайди. Бундан чиқадики, қайсидир қизиқчи ўзи кулади, қайсидир қизиқчи

халқни кулдиради. Шу борада менинг сизга битта саволим бор. Мен ўзим қизиқчиликка даъвогар эмасман, мен актёрман. Сиз мени қизиқчи деб билиб, сўхбатга келибсиз. Шундай экан мени қайси қизиқчилар тоифасига қўшасиз?

— Сиз ўзингиз кулмасдан туролмайсиз. Шу билан бирга томошабини ҳам сизни кўриб кула бошлайди. Шундан келиб чиқиб, сизни кулиб туриб кулдирадиган қизиқчилар тоифасига қўшса бўлади, менимча.

Кейинги саволга ўтадиган бўлсак, сиз бир учрашулда бу йилнинг ҳар куни саккизинчи март дегандингиз, бу сизу бизга оғирлик қилмасмикин (совгалар масаласида)?

— Сизу бизга оғирлик қилмайди. Чунки, аёлларимиз ўз йилларига қадар бизни деб не-не заҳмат чекмадилар. Ишдан қайтсак, олдимизга пешвоз чиқиб, дастурхон ёзишу, ота деган буюк унвонга эга қилишлиги, ҳаёт аравасини ёнма-ён тортиб туришлигини... Менга қолса аёлларимизга бир йил эмас, бутун умрни бағишласак кам. Мана шунақа чиройли сўзлардан кейин аёлларимизга совга-саломнинг ҳам кераги бўлмайди.

БАБОРИДАН КЕЛМАГАН ОВ

Зокир хонага келди-да, Карим билан Беҳзодга қараб деди:

— Бугун нима овқат қиламиз?

— Овқат дейсанми? Хонада сичқонлар ҳасса таяниб юрибди-ку, бу киши овқат қилармишлар.

— Барибир қоринни тикиб бўлмайди-ку, ахир.

— Шу ҳам муаммоми. «Ов»га чиқамиз.

— Яна ов. Ўзи қаватдагилар бизни кўриб қолса ошхонага кирмай қўйишадийо — деди Зокир.

— Талабалик — бу шерикчилик. Биласанми бугун навбат сеники — деди Карим.

Зокир ўлжасини пойлаётган мушукдай билдирмай қозонларнинг қайси бирида мазалироқ овқат борлигини билиш учун ошхона текшируви ўтказди. Карим билан Беҳзод ҳар ошхонага киришганда паловхон туранинг ҳидидан маст бўлиб, ошга иштаҳа сақлашарди.

Йигитлар қиларнинг овқатларига кўп марта шерик бўлишган. Агар овқат жуда ширин бўлган бўлса, тун ярмида «раҳмат» деган ёзув билан ошхонада қозон пайдо бўларди. Хуллас, улар чой дамлашди. Дастурхон ёзиб, бир-бирларига термулиб ўтиришди ва ниҳоят Зокирнинг калласи эшикдан кўринди.

— Ҳаммаси тайёр, қани кетдик.

Ҳар доимгидек каридорнинг маълум жойларига жойландилар. Операциянинг энг муҳим нуқтаси. Зокир лапанлаганча қозонни кўтариб, хонага ўқдай отилди. Ура, ҳаммаси жойида. Беҳзод тайёрлаб қўйган лаганни, капкирни олиб келди. Зокир виқор билан қозонни қопқоғини кўтарди-ю, турган жойида қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, қозон тўла сув. Сувда эса плёнкага уралган бир парча қоғозни оларкан, қуйидаги сўзларга кўзи тушди.

— «67-хонанинг фидокор, жонкуяр йигитлари. Сизларга миннатдорчилигимизни изҳор этмоқчимиз. Пишираётган ошимизга сидқидилдан қоровуллик қилганликларингиз учун ташаккур. 72-хона қизлари».

Шоира ТҲУТАОЕВА,
ТошДУ талабаси

— Клара опа билан «ҳиндча муҳаббат» яратган эдинглар. Ҳозир ҳам комик актрисалар билан ҳамкорлик қилиб турасизми?

— Саволингиз жуда уринли. Мен касбдош аёлларни жуда қадрлайман. Ёзозлаб, ҳурмат қиламан. Клара опамга каттадан-катта раҳмат, жонлари соғ бўлсин, умрлари узоқ бўлсин. Лекин бошқаларидан хафман! Чунки биронтаси менинг муҳаббатим қадрига етаётгани йўқ.

— Биринчи апрель ҳазил кунида кимлар биландир ҳазиллашиб алдаб, ёки алданиб қолганмисиз?

— Биринчи апрелни ҳазил куни, алдоқчи кун дейишади. Лекин мен айнан биринчи апрелда алдаб ёки ҳазиллашмайман. Мен учун йил ун икки ой — биринчи апрель.

— Тоҳир ака сиз мендан яна қандай савол кутяпсиз?

— Ўзингиз қутилмаганда келдингизу, мен сиздан қандай қилиб савол кутаман.

Хуршидбек РҲЗИЕВ
сўхбатлашди

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Жамолдин ТҲУТАШЕВ

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАЊИЛИНИМIZ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 33-й
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.